



Букаламун (хамелён) ажойиб махлукда... Бу калтакесак душманларидан душманлар тусига кириб яширинишни яхши уддалайди. Ўз қурбонлари бўлмиш хашоратларга сездириб қўймаслик учун атрофи қандай рангда бўлса тез ва осон ўша тус билан туслана олади. Хайвоннинг бундай имкониятлари аклини лол қолдиради ва албатта табиатнинг бу ноёб мўъжизаси тахсинга сазавордир. Бирок шундай сифатларга эга одамни асло тўғри ва муносиб одам, деб бўлмайди. Бундай ёмон сифатга эга одамлар мазаммат қилинади.

Бунга ўхшаш “бакаламунлик”нинг ёрқин мисолини А.П Чехов ўзининг хикоясида баён қилган. Хикоянинг бош қаҳрамони полициячи нозир Очумелов турли хил ҳаётий вазиятларда қўрсатилган. Инсон зурриётининг мисли қўрилмаган вакиллари тавсифлайдиган умумлаштира сиймо. Ким улар? Бакаламунлар. Уларнинг ҳақиқат билан ишлари йўқ, уларга адолат керак эмас, виждон нималигидан ҳам хабарлари йўқ. Асосий мақсад – соғ-саломат қолиш, иложи борида «қатталар» соясида максимал қулайликка эришиш.

Ит билан боғлиқ ҳодисада итнинг тақдири унинг хўжайини ким эканига боғлиқлиги ажойиб тарзда баён қилинган. Хикоя ўта ибратлидир ва барча вақт ва ҳамма халқлар учун тарбиявий аҳамиятга эгадир. “Бакаламунлик” тушунчаси тутруксиз ва вазиятга қараб ўз фикрини ўзгартирадиган одамларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Афсуски, ҳозирги жаҳонда Очумеловлар ҳаддан ошди қўпайиб кетган.

### **Исломда “бакаламунлик” мунофиқлик деб аталади**

Араб тилида мунофиқликнинг англатувчи сўзларнинг ўзаги бўлмиш «нифок» сўзи ичи бўш, ташки қўриниши ўзгача нарсага ишлатилади. Иккиюзламачилик араб тилининг изоҳли лугатида қуйидагича баён қилинган: Иккиюзламачилик (нифок) – қасалликдир, Аллоҳ таоло Қуръони қаримда бу ҳақида зикр қилган: “Уларнинг қалбларида қасал бор” (Бақара сураси, 10 оят).

Агар бу маънони диний-ақидавий истилоҳда ишлатмоқчи бўлсак, сиртдан мусулмонликни эълон қилиб, ичидан унга лойиқ бўлмасликка мунофиқлик, деб айтилади. Одамлар қўз

ўнгида Ислом динига мансублигини эълон килиб, хатто баъзи амалларни ҳам килиб юрадиган, аслида эътиқоди бузук бўлган кишиларни «мунофик» дейлади.

Имом Бухорий килган ривоятда Хузайфа ибн Ямон розияллоху анху: «Бугунги мунофиклар Набий соллаллоху алайхи васалламнинг даврларидагисидан ёмондирлар. Чунки улар мунофикликни махфий килардилар, булар эса ошкора килмоқдалар», деганлар).

Шунинг учун Имрон ибн Хусойндан ривоят килинган хадисда: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: "Сизларга, ўзимдан кейин энг кўрақадиган нарсам тили ўта билимдон бўлган хар бир мунофикдир", дедилар. (Табороний)

Умуман олганда, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратларининг мунофиклик хақида ёзган мақолаларини ўқишни тавсия қиламиз.

### **Хамелеон. А.П. Чехов**

(Абдулла КАХХОП таржимаси)

Устида янги шинель, кўлида тугунча, полиция назоратчиси Очумелов бозор майдони ўртасидан юриб келмоқда. Унинг орқасидан кўлида мусодара килинган крижовник тўлдирилган галвир кўтариб афти-ангори сап-сарик городской кадам ташлаб келаётир. Теварак жимжит... Бозор майдонида кимирлаган жон кўринмайди... Дўкон ва ковокхоналарнинг эшиклари оч йиртқичнинг оғзидай очилиб, мунгайиб турар эди; уларнинг олдида хатто гадой ҳам йўк.

Очумеловнинг кулогига бирдан:

— Сен хали одам тишлайсанми, малъун! Биродарлар, кочириб юборманглар! Хозир бировни тишлашга ижозат йўк! Ушла! А... э!— деган товуш эшитилди. Кучук вангиллади. Очумелов атрофига аланглаб, савдогар Пичугиннинг ўтинхонасидан бир ит уч оёқлаб, орқа-ўнгига караб, кочиб чиқиб келаётганини кўриб қолди. Кучукни чит кўйлак кийган ва желеткасининг тугмалари ечилган бир киши кувлаб келмоқда эди. У кучукнинг кетидан чопаркан, ўзини ерга ташлаб кучукнинг кейинги оёғидан ушлаб олди. Кучук яна вангиллади ва «кочириб юборманг!», деган овоз эшитилди. Дўконлардан мудрок босиб ўтирган кишилар каллаларини чиқазиб қарашди ва бир дамда ўтинхонанинг олдига, худди ер остидан чиққандек, халойик йигилди.

— Жаноби олийлари, бу тартибсизлик...— деди городской.

Очумелов сўлга бурилиб, одамлар йигилган жойга караб юрди. Ўтинхона дарвозаси олдида, юкорида тасвир килинган, желеткасининг тугмалари ечилган киши ўнг кўлини кўтариб, конга бўялган бармогини одамларга кўрсатарди. Унинг ширакайф башараси гўё: «Сени караб тур, лаънати!», деб турар ва бармоги ҳам галаба тугига ўхшар эди. Очумелов бу кишини таниди: у заргар Хрюкин эди. Ўртада олдинги оёқларини кериб, вужуди титраб, тўполоннинг сабабчиси — тумшуги узун ола този турарди. Унинг ёшланган кўзлари жавдирарди.

Очумелов одамлар орасига ёриб кираркан:

— Нимага йигилдиларинг, нима гап? Бармогингга нима килди? Ким. кичкирди?— деб сўради.

Хрюкин муштумини огзига килиб, йўталиб қўйиб сўз бошлади:

— Мен, жаноби олийлари, ўз йўлимга кетаётган эдим... Митрий Митрич билан ўтин тўгрисида гаплашмоқчи эдим, бирдан мана бу малъун бармогимни тишлаб олди. Сиз мени кечиринг, мен иш киладиган одам. Менинг ишим майда иш, менга товон тўласинлар, чунки ким билади, балким бу бармогимни бир хафта кимирлатолмасман. Жаноби олийлари, законда мундака махлук кишига озор берсин, дейилган эмас... Агар хар нарса тишлайверса, у вақтда дунёда турмаслик яхшироқ...

— Хм... хм... яхши...— деди Очумелов жиддият билан йўталиб ва кошларини кимирлатиб,— яхши... Кимнинг кучуги? Мен буни шундай қўймайман! Мен сизларга кучукларни бўш қўйиб юбориш нима эканини кўрсатиб қўяман! Карорларга итоат килишни хохламаган жанобларга диккат килиш вақти келди. Бу аблахга штраф солинса, у вақтда кучук ва бошка тентираб юрвдиган хайвон нима эканини билиб қўяди! Мен унга кўрсатиб қўяман! Елдири,— деди назоратчи городскойга караб,— сен бу кучукнинг эгасини топиб протокол ёз! Кучукни йўкотиш керак. Тездан! Кутурган кучук бўлса эхтимол... Бу кимнинг кучуги ўзи!

— Генерал Жигаловники шекилли,— деди кимдир.

— Генерал Жигаловники? Хм... хм... Елдири, кани менинг пальтомни ечиб ол: жуда хам кун исиб кетди! Ёмгир ёгса керак!.. Лекин мен бир нарсага тушунолмадим, у сени кандай килиб тишлаб олди?— деб Очумелов Хрюкинга мурожаат килди.

— Кандай килиб бармогингга бўйи етди? У кичкина, сен бўлсанг кап-катта одамсан! Сен балки бармогингни миҳ билан тешгандирсан, ундан кейин кучукни бахона килиб товон олиш фикри бошингга келгандир. Сенинг ким эканинг хаммага маълум. Мен сиз лаънатиларни биламан.

— Бу, жаноби олийлари, кулги учун, ёниб турган папирссни кучукнинг тумшугига тутди, кучук хам ахмок эмас, гирч этиб тишлаб олди... Бу одамнинг ўзи тентак экан, жаноби олийлари.

— Ёлгон айтасан, кўр! Кўрмаганингдан кейин нимага ёлгон гапирасан? Жаноблари аклли одамлар, ким ёлгон гапирганими, ким худо олдида тургакдек рост айтаётганини—хаммасини биладилар... Агарда мен ёлгон гапирган бўлсам, суд хукм килсин... Унинг законда айтилганки... Хозир хамма баравар... Менинг биродарим жамдармда ишлайди... Агар билгингиз келса...

— Тилингни тий!

— Йўк, бу генералнинг кучуги эмас. Генералнинг бунака ити йўк: унинг итлари овчи итлар,— деди городской маънолик килиб.

— Сен буни аник биласанми?

— Аник биламан, жаноби олийлари.

— Ўзим хам биламан. Генералнинг итлари кимматбахо зотли итлар, шу хам итми? Бунинг афтини кара... Расво бир нарса... Шуни хам ит деб саклайдими киши?! Сизда акл борми ўзи? Бунака ит Петербург ёки Москвада кўриниб колся, биласизларми, нима бўлдр эди? Шу ерда законга караб ўтирмасдан, ўлдириб қўяколар эдилар. Сен Хрюкин, жафо кўрибсан, бу ишни шундай қўйиб кетаверма!.. Адабини бериш керак! Вақт келди.

— Эхтимол генералникидир...— дея городской овозини чикариб қўйди.

— Унинг тумшугига ёзиб қўймаган-ку!.. Бир кун генералнинг ховлисида шундай итни кўрган эдим.

— Албатта, генералники бўлса керак,— деди кимдир.

— Хм... хм... Елдинин, биродар, пальтони елкамга ташла... Шамол тургандек бўлди... Баданим увишиб кетди... Сен итни генералнинг олдига обориб сўра. Итни мен топиб юборганлигимни айт... Кўчага чикармасинлар. Айтиб кўй. Балки у кимматбаходир, хар бир тўнғиз унинг тумшугига папирос теккизаверса, ит айниб колади. Кучук деган нарса нозик махлук бўлди... Сенга айтаман, лакма, кўлингни тушир! Ахмоклик килиб, бармогингни кўрсатиб туришга ҳеч хожат йўк! Айб ўзингда!..

— Генералнинг ошпази келяпти, ўшандан сўраймиз... Хай, Прохор! Азизим, кани бу ёкка кел! Итии кўр-чи... Сизлармикими?

— Шу хам гап бўлдимми?! Биз ҳеч қачон бунака ит тутганимиз йўк!

— Бу ерда сўраб ўтиришнинг ҳеч хожати йўк,— деди Очумелов.

— Бу ўзи саёк ит! Гапни чўзиш нимага керак? Ўзим саёк ит, деб айтдим-ку, саёк-да! Ўлдириш керак, вассалом!

— Бу бизники эмас,— деди ошпаз,— бу генералнинг яқинда келган укасиники. Бизда бунака итни ёктиришмайди. У кишининг укалари бунака итни яхши кўради...

— У кишининг укалари келдимиз? Владимир Иванич-а?—деб сўради Очумелов, ийиб кетиб огзи кулогига етди.

— Уни кара-я. Мен билганим йўк, меҳмон бўлиб келдилар, дегин?

— Меҳмон бўлиб келдилар.

— Уни каранг... Акаларини соғиниб колиптилар-да... Мен билганим йўк эди. Бу ўша кишининг итлари дегин? Кўп хурсандман... Ол, ити тушкур, ёмон эмас, зийраккина... Ол, мана бунинг бармогини тишла, ха-ха-ха... Нега титрайсан? Ол, киш-киш! Кўрдингми жахли чикади-я...

Ошпаз Прохор итни чакириб олиб кетади... Тўпланиб турган одамлар Хрюкинни масхара килиб, кахкаха урадилар.

— Шошмайтур, мен сенга кўрсатиб кўяман!—деб Очумелов Хрюкинга дўк килади ва шинелини ёпиниб, бозор майдонидан йўлда давом этади. (1884)

Баъзи манбалар асосида

Абу Муслим тайёрлади